ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ШАЙИМОВ ФАЙЗУЛЛО ФАТУЛЛАЕВИЧ

GaAs НИНГ НОЧИЗИҒИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНИНГ ҚАТТИҚ ЖИСМЛИ ВА СУЮҚЛИКЛИ ЛАЗЕРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

01.04.11 – Лазер физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК:548.0:535.34

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Шайимов Файзулло Фатуллаевич
GaAs нинг ночизиғий хоссалари ва унинг қаттиқ жисмли ва суюқликли лазерларда қўлланилиши 3

Шайимов Файзулло Фатуллаевич
Нелинейные свойства GaAs и применение его в твердотельных и жидкостных лазерах ……..……... 21

ShayimovFayzulloFatullayevich
Nonlinear properties of GaAs and its application in solid-state and liquid lasers…… 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..……..……..…….. 43

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ШАЙИМОВ ФАЙЗУЛЛО ФАТУЛЛАЕВИЧ

GaAs НИНГ НОЧИЗИҒИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНИНГ ҚАТТИҚ ЖИСМЛИ ВА СУЮҚЛИКЛИ ЛАЗЕРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

01.04.11 – Лазер физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM89рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион- плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iplt.uz)ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Кадиров Мумин Кадирович** физика-математика фанлари доктори
	Сапаев Усмон Каландарович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчиDSc.30.05.2018.FM/T65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел/факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали)/

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «____» _____даги_____ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д, катта илмий ходим

Б.Е. Умирзақов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинарраиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда лазер нурланиши таъсирига асосланган технологиялар, қурилмалар яратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида лазер нурланиши характеристикаларига маълум талаблар қўяди. Лазер резонтори асллигини модуляциялаш орқали турли хил хусусиятларга эга лазер нурланишини олиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.Жумладан, лазер резонаторларида тўйинувчи ютувчи ярим ўтказгичли кристал GaAsнинг қўлланилиши, юқорида кўрсатилган талабларни нафақат ижобий ҳал қилади, балки ушбу қурилмалар конструкциясини соддалашишига, тан нархини камайишига олиб келади. Шу сабабли ушбу кристалларнинг оптик хоссаларини ўрганиш, уларнинг лазер қурилмаси нурланиши жараёнига таъсирини тадқиқ этиш лазер технологиялари соҳасининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг нуфузли илмий текшириш марказлари, резонатор асллигини модуляциялаш ва модалар синхронизацияси режимида генерацияни амалга оширувчи, аслликни актив модуляциялашга нисбатан конструкцияни соддалаштирувчи, эффективлик, ишончлиликни яхшилашга ва лазер манбаси тан нархини камайтиришга имкон берувчи, лазер резонаторларида тўйинувчи ютгичларни қўллашга эътибор қаратмоқдалар. Бу ушбу методларга асосланган лазер системалари микроэлектроникада, материалларни лазерли қайта ишлашда, наноматериаллар олишда, микроструктурали изланишларда, химия, биология, тиббиёт ва бошқаларда қўлланилиши билан боғланган.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда илмий-текшириш фаолияти материал-техник потенциалини мустаҳкамлашва эффективлигини ошириш йўналишида сезиларли ишлар қилинди. Яқин йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ҳаракатлар Стратегиясида фан ва таълим соҳасини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида – олий таълим муассасалари ва илмий – текшириш институтларида илмий-текшириш ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш белгиланган. Шунинг учун, фан ва техника соҳасида истиқболли лазер технологияларини жорий этишга йўналтирилган ишланмалар, Республика экспортни кўзда тутувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш потенциалини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07 феврал 2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» ги ПҚ-4947 сонфармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-916 сонли, 2010 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси саноатини 2011-2015 йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги ПҚ-1442 сонли, 2017 йил 17 декабрдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789 сонли қарорларидаги ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан фа технологиялар ривожланишининг: ППИ-3–«Энергетика, энергия ресурсларни тежаш, транспор, машина ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозлик ва мехатроникани ривожлантириш» ва ППИ-4 «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш методлари, нанотехнология, фотоника ва бошқа илғор технологиялар асосида технология ва қурилмалар яратишни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хорижий илмий марказлари томонидан пассив элементларни тескари манфий боғланиш элементи ва резонатор асллиги модулятори сифатида қўллашга доир бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган.

Ярим ўтказгичли ютгичлар, хусусан GaAs ни ночизиғий оптик характеристикалари таҳлили шуни кўрсатдики, бундай кристалларни резонатор элементи сифатида қўлланилиши улкан истиқболга эгадир.

Ушбу йўналишда хорижлик олимлар Z.Zhang, Y.Wang, D.Shen, J. Gu изланишлар олиб боришган. Мамлакатимиз олимларидан С.А. Бахрамов, Ш.Д. Пайзиев ва бошқалар бу соҳада муҳим аҳамиятли натижаларни қўлга киритишган.

Ҳозирги кунда бу каби кристалларда лазер нурланиши таъсирида нуқсонлар пайдо бўлиши ва улардаги оптик хусусиятларининг ўзгариши орасида ўзаро боғлиқлик борлиги экспериментал ва назарий тадқиқотларда кўрсатиб берилган.

Спектроскопия ва физикавий электроника замонавий усулларининг қўлланилиши, ушбу кристалларда лазер нури интенсивлиги қийматига боғлиқ ҳолда индуцирланган нуқсонлар пайдо бўлишига доир бир неча муваффақиятли физикавий механизмлар яратилишига олиб келди.

Ушбу тадқиқот иши бошланишидан олдин арсенид галлий кристаллининг лазер резонаторларида ишлатилганда импульслар вужудга келиш механизмлари тўлиқ тушунтирилмаган ва резонатор ички нурланиши таъсирида кристалл оптик хоссаларининг ўзгариши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас эди. Шу сабабдан, лазер қурилмасининг иш жараёнида ярим ўтказгичли ютгичларнинг оптик хусиятларини ўзгариши ва унинг лазер нури характеристикаларига таъсирини ўрганиш муҳимдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари интитутининг ФА-Ф2-Ф048 рақамли «Атомли, молекулали ва супрамолекулали системаларда оптикавий ва ночизиқ оптикавий ҳодисаларни тадқиқот этиш» (2007-2009), ФА-А4-Ф045 рақамли «Ҳар хил актив элементларни синаш учун Катта Қуёш Печида қуёш дамлашли лазернинг универсал стендини яратиш» (2015-2017) илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади резонатор ички нурланишига учраган ярим ўтказгичли ютгичлар ночизиғий хоссаларининг лазернинг чиқиш параметрларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

намуналарни оптик бузилиш бўсағасидан паст интенсивликли лазер импульслари билан нурлантирилганда нуқсон ҳосил бўлишини резонатор ички методикасини ишлаб чиқиш;

лазернинг ишлаш жараёнида, чиқувчи ойна сифатида қўлланиладиган ярим ўтказгичларда дефектлар ҳосил бўлишини ўрганиш;

резонаторларда чиқувчи ойна сифатида қўлланиладиган ярим ўтказгичларда дефектлар концентрацияси ўзгаришининг импульсли лазернинг чиқувчи параметрларига боғлиқлигини ўрганиш;

қуёшдан дамланадиган лазерларда актив муҳит сифатида суюқликли люминесцент муҳитларни қўллаш имкониятларини ва аслликни модуляциялаш учун қуёш лазерлари резонаторларида тўйинувчи ярим ўтказгичли ютувчиларни қўллаш имкониятини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектисифатида GaAs монокристали, қаттиқ жисмли ва суюқликли неодимли лазерлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети арсенид галлий кристалининг физик параметрлари, неодим актив элементли лазерлар, лазер импульслари ҳосил бўлиш йўллари, модуляция методлари, арсенил галлий кристалидаги нуқсонларнинг лазер чиқувчи параметрларига таъсиридир.

Тадқиқотнинг усуллари. GaAs кристали ночизиғий хоссаларининг лазер чиқувчи характеристикаларига таъсирини ўрганишда, GaAs кристали юзасига тушадиган, лазер нурланиши интенсивлиги ўзгариши билан дефектлар концентрацияси ўсиши учун кристалнинг резонатор ичи нурланишига асосланган метод қўлланилган. Тўйинувчи ютувчининг ишлаш эффективлигининг оптимал қийматига эришиш учун ҳар хил телескоплаш коэффициентли телескоплар қўлланилган. Импульслар кетма-кетлигини регистрация қилиш учун жавоб вақти 0.5 нс бўлган тез ишловчи ЛФД-2 фотодиоди ва 150 МГц чизиқли RIGOL фирмасининг DS5152C хотирада сақловчи сонли осциллографи ишлатилган. Жараённи моделлаштиришнинг сонли усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Биринчи марта, лазер резонаторларида чиқувчи ойна ва тўйинувчи ютувчи сифатида ишлатилган ярим ўтказгичли GaAs кристалларида, юқори интенсивликли резонатор ички нурланиши натижасида нуқсонлар концентрациясининг ўсиши экспериментал аниқланган;

лазерлар резонаторларида чиқувчи ойна ва тўйинувчи ютувчи сифатида фойдаланилган ярим ўтказгичларнинг юза қатламларида лазерларнинг ишлаш жараёнида нуқтавий нуқсонлар ҳосил бўлиши тўғрисида информация олиш имкониятини берувчи тадқиқотнинг солиштирма методикаси яратилган;

натижалари эксперимент натижалари билан қониқарли даражада мувофиқ тушувчи, нуқсонлар концентрациясининг лазернинг чиқувчи параметрларига таъсирини ўрганиш бўйича сонли тажрибаларни ўтказиш учун математик модель яратилган;

биринчи марта қуёш лазерлари дамлаш эффективлигининг параболик концентратор қамраш бурчагига боғлиқлиги аниқланган;

суюқликли қуёш лазерининг математик модели яратилди ва давомийлиги 1 мс бўлган, қуёш нурланишининг тўпланган оқимида импульсли дамлашда суюқликли лазернинг чиқувчи қуввати ва актив муҳитнинг юқори лазер сатҳи зичлигининг вақтга боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лазерларнинг ишлаш жараёнида, қаттиқ жисмли лазерларнинг резонаторларида чиқувчи ойна ва тўйинувчи ютувчи сифатида ишлатиладиган ярим ўтказгичли кристалларда нуқсонлар ҳосил бўлиши экспериментал тадқиқотлари учун яратилган қиёсий методикада узун цуглар олиш учун лазернинг оптимал параметрлари аниқланган;

люминесцент суюқликларнинг актив муҳит сифатида қўллаш бўйича олинган сонли экспериментлар натижалари қуёшда дамланадиган лазерлар яратиш имконини беради. Оксихлорид фосфорли суюқликли қуёш лазерларида дамлаш эффективлиги нисбатан юқори қийматларга эришадиган лазер узеллари параметрларининг оптимал қийматлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўлчашнинг замонавий метод ва воситалари комплекслари қўлланганлиги, квант тушунчалари асосида олинган қонуниятларни сонли ва аналитик кўриб чиқиш, эксперимент натижаларининг математик моделлари билан мос келиши ва умумфизикавий тушунчалар ва бошқа ишларнинг натижаларига мос келишига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лазер резонаторларида ярим ўтказгичли кристал арсенид галлийни бир вақтнинг ўзида резонатор асллигини модуляцияловчи, тескари манфий боғланиш элементи ва чиқувчи ойна сифатида ишлатилганда, унда резонатор ички нурланиши таъсирида нуқсонлар концентрациясининг ошиши аниқланган,бунда биринчи навбатда, лазер нурланиши характеристикалари ўзгаришини кузатиш асосида хамда лазер чиқувчи нурланиши характеристикаларининг тўйинувчи ютувчи кристаллар бир фотонли ютиш коэффициенти қиймати ўзгаришига боғлиқлигини сонли таҳлил этиш, ўрганиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, экспериментал ва сонли тадқиқотлар натижалари оптика, лазер физикаси ва сирт физикаси соҳаларида амалий аҳамиятга эга ва ушбу соҳалар жараёнлари ҳақидаги тушунчаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Қуёш лазерларида актив элемент сифатида суюқ актив муҳитларнинг ишлатилиши бўйича сонли эксперимент натижалари, қуёшда дамланадиган қувватли лазерлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лазер резонатори ички нурланиши натижасида тўйинувчи ютувчилар сиртида нуқтавий нуқсонлар ҳосил бўлиши бўйича тадқиқот натижалари асосида:

Пассив тескари манфий боғланишли, модалар синхронизацияси режимида ишловчи лазерларнинг генерацион характеристикаларига, яримўтказгич GaAs нинг таъсири, хусусан унинг лазер резонатори асллигини модуляция қилиш

натижасида олинадиган импульслар ҳамда параболик концентраторлардаги қуёш лазерлари резонаторлари асллигини модуляциялаш бўйича олинган натижалар ФА-А-16-Ф028 рақамли «Катта Қуёш Печида маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига асосланган шиша-керамик буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва улар асосида ситал намуналарни тайёрлаш» амалий лойиҳасида ҳамда И-2-ФА-0-16498 рақамли «Тўқимачилик саноати учун ситал ип йўналтиргичларни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш» инновацион лойиҳаларда ситалл материалларни қайта ишлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 7 сентябрдаги 2/1255-2387-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қалинлиги 0.5-1мм бўлган ситалл материалларни самарали қайта ишлаш, хусусан юқори аниқликдаги тешиклар ҳосил қилиш имконини берган;

лазер нурланиши таъсири натижасида GaAs кристалидаги антиструктурали нуқсонлар ҳосил бўлиши бўйича олинган натижалардан ФА-А3-Ф059 рақамли «Наносекундли қайта уланувчи кремний карбидида p-n ўтишни яратиш ва қаттиқ фазали диффузион легирлаш технологиясини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳасида SiC кристалида нуқсонлар ҳосил бўлишини ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 7 сентябрдаги 2/1255-2388-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш GaAs ва SiC кристаллари нуқсонларининг умумий ўхшаш хусусиятлари асосида кремний карбидида антиструктурали нуқсонлар ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.Диссертациянинг асосий мазмуни 17 илмий ишларда, улардан 5 таси илмий мақолалар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган 4 та халқаро ва 1 та маҳаллий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилишии ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўрт боб, хулоса, 105 номли ишлатилган адабиётлар рўйхатидан тузилган. Иш 109 бетда ифодаланган, 30 та расм ва 1 та жадвални ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг илмий ва амалий аҳамияти, унинг долзарблиги асосланган, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий қоидалар шакллантирилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Диссертациянинг **«Қаттиқ жисмли лазерлар резонаторларида GaAs кристалининг қўлланилиши бўйича экспериментал ва назарий ишлар обзори»** деб номланган биринчи бобида лазер резонаторларида GaAs кристалидан тўйинувчи ютгич сифатида фойдаланишга бағишланган тадқиқотлар бўйича илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар баён этилган ва таҳлил қилинган. Лазер нури таъсирида ярим ўтказгичларда

дефектлар ҳосил бўлишига бағишланган амалий ишлар кўриб чиқилди ва бузилишнинг оптик чегарасидан паст ва юқори бўлган шароитларда дефектлар ҳосил бўлишини тушинтириб берадиган назарий моделлар тушунтириб берилган. Юқорида баён этилган ишларни таҳлил қилиш натижасида, лазернинг иш жараёнида GaAs кристаллида резонатор ичидаги нурланиш туфайли дефектлар ҳосил бўлиши мумкинлиги тахмин қилинди. Ушбу таҳминдан келиб чиқиб диссертация ишининг асосий вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Экспериментал қурилма ва эксперимент методикаси»** деб номланган иккинчи боби экспериментал лазер қурилмасининг тузилишини баён этишга ва ночизиқли элемент сифатида фойдаланилаётган ярим ўтказгичларда резонатор ичидаги нурланиш туфайли дефектлар ҳосил бўлишини тадқиқ этиш усулларини таърифлашга бағишланган.

Экспериментал лазер қурилма қуйидаги қисмлардан ташкил топган: лазер резонатори 100% қайтарувчи ясси кўзгудан ва чиқарувчи кўзгу сифатида ишлатилган GaAs кристалидан ҳосил қилинган. GaAs кристалининг қайтариш коэффициенти 1.064 мкм тўлқин узунлигидаги генерацияда R~50% ни ташкил этган. Актив элемент сифатида ўлчамлари ø5х65 мм бўлган Nd:YAG кристаллидан фойдаланилган. Nd:YAG монокристаллини оптик дамлаш ИФП – 800 лампаси орқали амалга оширилган. Лампанинг нурланиши цилиндрсимон кварц қайтаргич билан Nd:YAG монокристаллига фокусланган. Фаол муҳитдаги исталмаган иссиқлик таъсирларини чеклаб ўтиш мақсадида, ёпиқ контурдаги БО – 1 сув билан совутиш тизимидан фойдаланилган. Совутиш учун хромат калийнинг дистилланган сувдаги 2% эритмасидан фойдаланилган, у дамлаш лампасининг ультрабинафша нурланишини ютади, фаол элементнинг бузилиб кетишидан сақлайди. Генерация дастасининг кўндаланг кесимини ўзгартириш учун диаметри ўзгартириладаган диафрагмадан фойдаланилган. Пассив тескари манфий боғланишни амалга ошириш учун тўйинувчи ютгичлардаги икки фотонли ютилиш ҳодисасидан фойдаланилган. Маълумки, икки фотонли ютилиш нурланишнинг юқори интенсивликларида кузатилади. Резанатор ичидаги нурланиш интенсивлигини ошириш учун GaAs кристали сиртида, линзалар тизимидан иборат телескопдан фойдаланилган. Экспериментлар вақтида телескоплаш коэффициенти k=2 дан k=5 гача бўлган телескоплардан фойдаланилган. Дамлаш импульсларининг такрорланиш коэффициенти 1 Гц, резонаторнинг геометрик узунлиги L=1,5 м бўлган.


Чиқишдаги нурланишни қайд этиш учун жавоб вақти ~0.5нс бўлган ЛФД-2 фотодиодидан ва RIGOL фирмасининг DS5152C рақамли осциллографидан, 150МГц фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Қаттиқ жисмли лазерлар генерацияси чиқувчи параметрларига GaAs кристали нуқсонларининг таъсири»** деб номланган учинчи бобида GaAs кристалининг резанатор ички нурланиши таъсирида ўтказиш қобилиятининг ўзгариши батафсил тадқиқ этилган. GaAs кристалида YAG:Nd импульсли лазерининг, оптик бузилишнинг чегаравий интенсивлигига яқин импульсли нурланишлар таъсирида дефектлар ҳосил бўлиши таҳлил қилинган.

3.1.-параграфда диссертация иши доирасида GaAs кристалидан чиқувчи кўзгу сифатида фойдаланиб, дефектлар ҳосил бўлишини резонатор ичида тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар келтирилган. GaAs кристали билан линза комбинациясини резонатор ичида ишлатиш, лазернинг ишлаш вақтида хам кристалдаги дефектлар концентрациясини ошириши тахмин қилинган.

Ушбу жараён GaAs кристали оптик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиб, лазернинг чиқишдаги хусусиятларига таъсир этиши мумкин. GaAs кристаллида содир бўлаётган жараёнлар механизмини аниқлаш учун, диафрагма диаметрининг ва линзалар тизими телескоплаш коэффициентининг ва резонатор узунлигининг турли хил қийматларида лазер ишлаш вақтининг турли муддатлари учун бир қанча тажрибалар ўтказилган.

Кўп сонли тажрибалар шуни кўрсатдики, лазер ишлашининг дастлабки босқичларида тасодифий импульслар кетма-кетлиги, асллигини қисман модуляция қилиниб, телескоплаш коэффецентига боғлиқ бўлмаган холда деярли модалар синхронизация қилинмай кўп модали режимда генерация бўлиши кузатилган. 1- расмда телескоплаш коэффициенти 1 (телескоп йўқ), резонатор узунлиги 1.5м ва диафрагма очиқ бўлганида дамлашнинг битта импульси учун чиқишдаги нурланиш импульсининг кетма-кетлиги келтирилган.




1-расм. *k*=1 бўлганида нурлантирилмаган GaAs кристали билан нурланишнинг чиқишдаги импульслари кетма-кетлиги. Ёйилганлик 20 мкс/бўлим

1-расмдан импульсларнинг турли хил амплитудалар ва вақт ичидаги тасодифий кетма-кетликларга эга эканлиги кўриниб турибди. Битта импульснинг давомийлиги кейинчалик кичик фарқ билан ўзгарган ва тахминан 400нс ни ташкил этди.

Телескоплаш коэффициентининг турли қийматлари билан олиб борилган тажрибалар бошланишида катта аниқлик билан созлаш генерация режимининг жиддий ўзгаришига олиб келмади, яъни модалар синхронизацияси амалга ошмади. Бу GaAs кристалли пластинасидаги дефектлар концентрациясининг етарли даражада юқори эмаслиги туфайли деб тахмин қилинди. Тажрибалар резонаторнинг турли хил узунликлари учун ўтказилди. Телескоплаш коэффициенти k =1 дан 5 гача ўзгартирилди.

k = 3 бўлганида лазер ~30 минут давомида асллигини модуляция қилиб, аммо модаларни синхронизация қилмай импульслар чиқарди, сўнгра ички структурали, яъни модалари синхронизация қилинган импульслар ҳосил бўлди. Вақт ўтиши билан резонаторнинг модаларни синхронизация қилиш сифати


яхшиланди. Тахминан лазер 1.5 соат 1 Гц частота билан ишлаганидан сўнг, созлашдаги кичик ўзгаришлар билан 2- расмда келтирилган натижалар олинган.



2-расм. *k*=3 бўлганида лазер 1.5 соат ишлаганидан сўнг лазер нури импульсларининг кетма-кетлиги.


Бунда биринчи импульснинг шакли келгусида дамлашнинг хар бир импульсида етарлича юқори аниқлик билан ишлаб чиқарилди.

Цугдаги алоҳида импульсларнинг давомийлиги тахминан 5нс, улар орасидаги оралиқ ~8 нс, ва бу резонаторни тўлиқ ўтиш вақтига мос келади. (3-расм).



3-расм. *k*=3 бўлганида модалар синхронизацияси режимидаги биринчи импульснинг кенгайтирилган кўриниши. Ёйилганлик 50 нс/дел.

Резонатор ичидаги нурланиш сабабли дефектлар концентрациясининг ортиши ҳақидаги тахминни қўшимча равишда яна текшириш мақсадида, лазер созланишини бузмаган холда телескоп олиб ташланди, яъни телескоплаш коэффициенти 1 тенг бўлган режимга ўтиш амалга оширилди.



4-расм.Телескоп олиб ташланганидан кейинги олинган битта импульснинг кенгайтирилган кўриниши. Ёйилганлик 50 нс/бўлим.

Шундай қилиб, GaAs кристалининг нурлантирилган, тахмин қилинганидек дефектлар концентрацияси ортган қисмидан фойдаланиш таъминланди. Тахмин қилинганидек лазер модалар синхронизацияси режимида барқарор ишлашни давом эттирди ва импульсрлар цугини генерация қилди, улардан бири 4-расмда келтирилган.

Бу турдаги тажрибалар резонаторнинг бошқа узунликлари учун ҳам ўтказилди ва шу турдаги натижалар олинди. Бу GaAs кристалини оптик бузилиш чегарасидан паст интенсивликларда лазер резонаторларида ишлатиш

сирти бузилмаган ҳолда дефектлар концентрациясининг ортишига сабаб бўлади деб тасдиқлашга асос бўлади. Дефектлар ҳосил бўлиш жараёни тўйиниш характерига эга, тўйиниш даражаси лазер нурланиши интенсивлигига боғлиқ ва ҳосил бўлган нуқсонлар концентрацияси ушбу тўйинган нуқсонлар концентрациясини ҳосил қилган интенсивликка тенг ёки камроқ бўлган интенсивликларда турғундир.

3.2-параграфда олинган эксперимент натижаларини миқдорий таҳлил қилиш учун ва GaAs кристалида нуқсонлар ҳосил бўлиши ҳақида ахборот олиш учун, ҳамда қилинган тахминларни қўшимча текширувдан ўтказиш учун лазер генерацияси жараёни моделлаштирилди ва сонли тажрибалар ўтказилди.

Генерация жараёнини моделлаштиришда якка импульснинг резонаторнинг ҳар бир элементидан ўтишдаги импульс формасини ўзгариши кузатилиб борилади. Бунда ҳар бир элемент ўтказувчанлиги учун мос ифода қўлланилди ва уларнинг нурланиш параметрларига таъсири анализ қилинди. GaAs нинг энергетик сатҳларидан фойдаланиб ва релаксация вақтини ҳисобга олиб, юқоридаги жараёнларни тавсифлайдиган асосий тенгламалар ёзилди. Интенсивлик учун тенглама қуйидаги кўринишда ёзилди:

$$dI/dz = -\alpha I - \beta I^2 - n\sigma_{fc} I \qquad (1)$$

Бу ерда $\alpha = \sigma_n(N - N^+) + \sigma_p N^+$ бир фотонли ютиш коэффициенти, σ_{fc} эркин ташувчилардаги ютиш кесими.

(1) тенгламани ечиб GaAs кристали ўтказиши учун ифодани ҳосил қилиш мумкин:


$$T = \frac{\exp[-(\alpha + n\sigma_{fc})z]}{1 + \left[\beta I_0(t)/(\alpha + n\sigma_{fc})\right]\{1 - \exp[-(\alpha + n\sigma_{fc})z]\}} \qquad (2)$$

Импульслар ҳосил бўлиши ва эволюцияси, кристалдаги нуқсонлар концентрациясини ҳар хил қийматларида, резонатор бўйлаб ўтиш номерига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилди. Моделда қуйидаги параметрлар ишлатилди:

β=30 см/ГВт, σ_n=10^{-16} см^2, $\sigma_p = \sigma_n/10$, σ_{fc}=6×10^{-18} см^2. Тўлиқ ўтишдаги тўйинмаган йўқотишлар, ички йўқотишлар ва чиқувчи ойна ўтказиши туфайли бўлган йўқотишлар 50% деб ҳисобланди. Ҳисоблашларда телескоплаш коэффициенти қийматлари 1 дан 3.3 гача ва GaAs пластинкаси нуқсонлари концентрацияси лазернинг бошқа параметрлари ўзгартирилмасдан ўзгартирилди.

5-расмда k=3.3 учун GaAs кристалида нуқсонлар концентрацияси ошганда жараённи моделлаштириш натижасида олинган импульс кўрсатилган. Ушбу натижа 3-расмда кўрсатилган эксперимент натижаси билан қониқарли мос тушади. Кўриниб турибдики, импульс модуляция чуқурлиги 60-70% ли наносекунд режимидаги субимпульслар цугини ифодалайди. Сонли тажриба натижалари кристалдаги нуқсонлар концентрациясининг ошиши билан модуляция чуқурлиги ошишини кўрсатди.

Тажриба натижаларининг нурлантиришдан сўнг телескопсиз ҳол учун, сонли тажрибаларнинг нурлантирилмаган кристалда нуқсонлар концентрациясининг ўн марта ошгандаги натижалари билан қониқарли мос тушиши кўрилди.



Расм 5. GaAs да нуқсонлар концентрацияси 5 марта оширилганда моделлаштириш натижасида олинган генерациянинг синхронлашган импульслари.k=3

Адабиёт маълумотлари ва ўтказилган тажриба натижаларини анализ қилиш қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, GaAs кристалида тузилишида интенсивлиги оптик бузилиш яқинида ва ундан кам бўлган резонатор ички нурланиши таъсири остида, нуқсонлар концентрациясининг ўсиши туфайли ўзгариш содир бўлади ва ўз навбатида кристалнинг тўйинувчи ютувчи хоссаси ўзгаради. Тажриба натижаларининг ҳисоб натижалари билан қониқарли мос тушиши, Nd:YAG лазерининг иш жараёнида чиқувчи ойна сифатида ишлатилган GaAs кристалида нуқсонлар концентрациясининг ўсиши ва GaAs кристалида нуқсонлар концентрацияси ўсиши билан резонатордаги модалар синхронизацияси сифати яхшиланиши билан тасдиқланади. Лазер нурланиши билан олинган тўйинувчи ютувчилар, қаттиқ жисмли ва бошқа лазерларда пассив модалар синхронизацияси учун муваффақиятли ишлатилиши мумкин.

Диссертациянинг **«Суюқликли лазерлар мисолида қуёш лазерларида GaAs кристалининг қўлланиш имкониятлари»** деб номланган тўртинчи боби ҳар хил концентраторларда суюқликли лазерлар яратиш имкониятлари тадқиқотларига ва ушбу лазерларда GaAs кристалининг қўлланилишига бағишланган. 4.1- параграфда неодимли оксихлорид фосфор асосида импульсли суюқ лазер модели ишлаб чиқилган ва Катта Қуёш Печи шароитларида нурланиш олиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Маълумки, Катта Қуёш Печи фокусида 1м^2 юзага тўғри келадиган максимал қувват ~1 МВт ни ташкил этади. Бунда гелиостатларнинг компьютер бошқаруви ёрдамида, фокусда, интенсивлиги 100Вт/см^2 га мос келадиган қуёш ёруғлиги оқими текис тақсимотини олиш қийин эмас. Фокусда, бир қатор, ички диаметри 1.5 см ли узунлиги 100 см ли актив муҳит билан тўлдирилган цилиндрик кварц кюветалар ўрнатиш мумкин. Қуёш нурланишини эффектив йиғиш учун кювета диаметридан кенглиги 2-3 марта катта бўлган, тўғри бурчакли формадаги иккилламчи концентраторларни қўллаш мумкин. Ушбу ҳолда фокусда 25 тача кювета жойлаштириш мумкин. Шунингдек, фокус юзаси кенглиги икки марта қисқарадиган 0.5 м^2 ли юзада қуёш нурланиши интенсивлиги 200 Вт/см^2 бўладиган ҳол кўриб чиқилган.


Ютилган қувватни ва актив элементда сатҳлар зичлиги инверсияси тақсимотини ҳисоблаш учун Монте-Карло методи қўлланилди. Иккиламчи концентраторли вариант кўриб чиқилди. Ушбу ҳисоб-китоблар натижаларининг кўрсатишича, дамлаш эффективлиги 0.08 га тенг бўлди ва кейинги ҳисоблашларда ушбу қиймат фойдаланилди.

Лазер нурланиши қувватининг вақтга боғлиқлигини олиш учун маълум тезлик тенгламалари қўлланилди. Оксихлорид фосфор асосидаги неодимли

актив муҳитда, актив марказлар, генерация маълум тўрт сатҳли схема бўйича бўладиган неодим ионларидир. Тезлик тенгламаларини сонли ечиш учун Адамс методи қўлланилди. Сонли экспериментлар натижалари шуни кўрсатдики, алоҳида чўққиларнинг чиқувчи қуввати бир неча ўнлаб киловатт, бироқ нурланишнинг ўртача қуввати ≈1.3 кВт. Қуёш нурланиши интенсивлиги 100 Вт/см^2 да, резонатор узунликлари 50, 100 см бўлган ҳол учун чиқувчи ойнанинг оптимал ўтказиш коэффициенти мос ҳолда 0.05, 0.09 га тенг. Қуёш нурланиши интенсивлиги 200 Вт/см^2 бўлганда, 50 см узунликдаги резонатор учун у 0.08 га тенг бўлди. Қуёш нурланиши интенсивлиги 200 Вт/см^2 бўлганда, импульсдаги ўртача чиқувчи лазер нурланиши қуввати 1.66 кВт гача етади. Бунда, лазер чиқувчи энергиясини концентратор фокал текислигига тушадиган қуёш нурланиши энергиясига нисбати сифатида аниқланадиган лазернинг ФИКи 4.2% гача ошади.

4.2-параграфда кичик габаритли параболик (parabolic-dish) концентраторлари фокусида концентрланган қуёш нурланишида дамлаш учун актив муҳит сифатида оксихлорид фосфор асосидаги неодимли суюқ лазер материалини қўллаш имконияти тадқиқ этилган. Қуёш нурланиши частота ўзгартиргичлари қўллаш билан унинг эффективлигини ошириш имкониятлари ўрганилган. Тадқиқотлар Монте-Карло ва нурларни кузатиш методлари қўлланилган модел асосидаги сонли усуллар ёрдамида олиб борилди.

Ушбу аниқҳол тадқиқоти бош мақсади қуёш энергиясини лазер нурланиши энергиясига айлантириш эффективлигини ошириш учун, қуёш спектри қисмини спектрал силжитишга асосланган йўлни демонстрация қилишдир. Моделлаштириш фокус масофаси 0.9 м бўлган, 2 метрли параболик концентратори учун олиб борилди. Кўриб чиқилган лазер системаси схемаси 6-расмда келтирилган.



6-расм. Лазер системаси схемаси.

Кўндаланг дамлашли схема кўриб чиқилди. Расмдан кўриниб турибдики, схемада вазифаси актив муҳитнинг ўқи бўйлаб бир жинсли дамлашни таъминлаш бўлган ёруғлик ўтказгич мавжуд. Схема тўғри бурчакли дамлаш камераси билан таъминланган.

Бу камера ичида тўғри бурчак шаклидаги частота ўзгартиргичи деб номланадиган қўшимча элементни қўллаш учун зарурдир. Частота ўзгартиргичининг вазифаси актив муҳит ютмайдиган қуёш спектри қисмини, актив муҳит кучли ютиш полосаларига эга бўлган, бу орқали лазернинг дамлаш эффективлиги ошириладиган частота диапазонига суришдан иборат. Частота ўзгартиргичи сифатида, кўриш диапазонининг 400 ва 600 нм атрофида иккита

кенг ютиш полосаларига ва неодимли актив муҳит ютиш полосалари билан яхши қопланадиган 800 нм атрофида нурланиш спектрига эга бўлган, Cr:LiCAF кўрилди. Ёруғлик ўтказгичнинг кўндаланг ўлчамлари 22x14x120мм эди. Актив муҳитнинг дамлаш камерасидаги ўлчамлари диаметрда 10мм ва узунлик бўйлаб 22мм бўлган эди. Кварц трубкасининг узунлиги 40мм. Унинг иккала ён томонининг юзаси акс-қайтарувчи қопламалар билан қопланган. Суюқ актив муҳит иссиқлик алмаштириб берувчи қурилма орқали айлантириб бериш билан совутилади деб қаралди. Қўшимча дамлаш камераси ва актив муҳит (кварц трубка орқали) учун сувли совутиш ишлатилади. Дамлаш камераси ўзида ички ўлчамлари 22x14x14мм бўлган қутини ифодалаган. Қутининг ички юзаси қайтариш коэффициенти 97% бўлган кумуш қопламали кўзгудек деб қаралди.

Ҳисоблаш ишлари икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда дамлаш эффективлиги, яъни актив муҳитда ютиладиган фотонлар миқдорининг, концентраторда тушадиган қуёш фотонлари миқдорига нисбати топилди. Ушбу ҳисоблашлар, Монте-Карло ва нурларни кузатиш методлари қўлланилган модел орқали олиб борилди. Кейинги босқичда, тўрт сатҳли лазерлар учун маълум бўлган ифодани қўллаган ҳолда кирувчи қуёш нурланиши қувватига боғлиқ чиқувчи лазер нурланиши қуввати баҳоланди:

$$P_{out} = (\gamma_2 / 2\gamma)\eta_p (P - P_{\text{thr}}) \qquad (3)$$

Бу ерда γ_2 - чиқувчи ойна ўтказиши ҳисобидаги логарифмик йўқотишлар, 2γ-резонатор ичидаги тўлиқ йўқотишлар (total round-trip loss), η_p-дамлаш эффективлиги, P_{out}, P, P_{thr}- мос равишда лазердан чиқувчи қувват, дамлаш қуввати ва бўсағавий қувват. Ҳисоблашлар чиқувчи ойнанинг 98% ли қайтариш коэффициенти учун қилинган эди.


Ҳисоблашлар икки, частота ўзгартиргичи ва усиз ҳоллари учун олиб борилди ва натижалар таққосланди. Частота ўзгартиргичли ҳолида, 22x14x3мм ўлчамли Cr:LiCAF пластинкаси, системанинг ўнг охиридаги дамлаш камераси ичида ўрнатилган деб олинди (6-расмга қаранг).

Ишлаб чиқилган моделнинг асосий қисми геометрик оптикани қўллаган ҳолда фотоннинг система элементлари билан кесишиш нуқталари кетма-кетлигини аниқлаш ва Монте-Карло методида қайтиш, синиш, ютилиш ва нурланиш жараёнларини моделлаштиришдан иборат.

Системадаги жараёнларни моделлаштириш натижасида дамлаш эффективлиги частота ўзгартиргичисиз 0.125 га ва частота ўзгартиргичи билан 0.165 га тенглиги аниқланди. Ушбу натижалар асосида иккинчи босқичда, кўриб чиқилган икки ҳолат учун лазердан чиқувчи қувватнинг қуёш нурланиши кирувчи қувватига боғлиқлиги олинди.

7-расмдан кўриниб турибдики, частота ўзгартиргичнинг қўлланилиши қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш эффективлигини 40% дан кўпроққа оширади. Бироқ, кўриб чиқилган ушбу схема бўлиши мумкин бўлган вариантларнинг биридир. Шу сабабли, натижаларни янада яхшилаш нуқтаи назаридан, бошқа вариантларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шундай бўлсада, ушбу тадқиқотнинг натижалари, частота ўзгартиргичларнинг қўлланилиши қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш

эффективлигини ошириш учун истиқболли усуллардан бири эканлигини кўрсатади.



Расм 7. Чиқувчи қувватнинг кирувчи қувватга частота ўзгартиргичисиз (1) ва частота ўзгартиргичли (2) лазер учун боғлиқлиги.

4.3 параграфдамлаш эффективлигининг лазер системаси параметрларига боғлиқлигини тадқиқ этишга ва ушбу тадқиқот натижалари асосида параболик концентратордаги қуёш лазерлари узелларининг ҳар хил параметрлари орасидаги оптимал муносабатни аниқлашга бағишланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ишда кўндаланг дамлашли параболик концентратордаги қуёш лазери схемаси кўриб чиқилган. Бу параболик концентратордаги қуёш лазерларида муваффақиятли қўллаш мумкин бўлган, ишончли дамлаш схемаларидан бири ҳисобланади. Параболик концентраторларда фокус диаметри қоплаш бурчагига боғлиқ бўлади. Шундай экан, генерация бўсағасига эришиш учун, фокус диаметрини ўзгартириб, актив муҳитга йўналган юқори қуёш нурланиши концентрациясини олиш мумкин.


Ушбу ишда дамлаш эффективлигининг параболик концентратор қоплаш бурчагига, иккиламчи концентратор ўлчамларига ва актив муҳит узунлигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича сонли экспериментлар ўтказилди. Моделда ютилган қувватни, зичлик инверсиясини тақсимотини ҳисоблаш ва дамлаш эффективлигини аниқлаш учун Монте-Карло статистик методи ва нурларни кузатиш методи қўлланилди.

Параболик концентратордаги қуёш лазерлари узеллари параметрлари оптимал муносабатларини аниқлаш учун сонли экспериментлар қуйидаги алгоритмда олиб борилди:

1) Қоплаш бурчаги ўзгартирилиб, бурчакнинг ҳар бир қиймати учун дамлаш эффективлиги ҳисобланди. Шу йўсинда, дамлаш эффективлигининг параболик концентраторнинг ушбу параметрига боғлиқлиги олинди ва оптимал қиймати аниқланди. Бунда, лазер системаси узелларининг бошқа параметрлари ўзгармади (масалан, концентратор радиуси, иккиламчи концентратор форма ва ўлчамлари, актив муҳитнинг қалинлиги ва узунлиги).

2) Иккиламчи концентраторнинг баландлиги симметрик оширилиб ва бошқа параметрлар ўзгартирилмасдан, дамлаш эффективлигининг иккиламчи концентратор ўлчамларига боғлиқлиги олинди. Бунда концентраторнинг қоплаш бурчаги экспериментнинг биринчи этапида аниқланган оптимал қийматига тенг деб олинди.


3) Актив муҳитнинг узунлиги симметрик оширилиб (мос равишда иккиламчи концентратор кенглиги ошади), тегишли боғланиш олинди. Параболик концентраторнинг қоплаш бурчаги ва иккиламчи концентраторнинг баландлиги, олдинги этапларда аниқланган оптимал қийматларга тенг бўлди.



8-расм. Қуёш лазери дамлаш эффективлигининг параболик концентратор қамраш бурчагига боғлиқлиги.

8-расмда радиуси 1.5м бўлган параболик концентратор учун сонли экспериментларнинг биринчи босқичи натижаси келтирилган.

Кўриниб турибдики, дамлаш эффективлигининг қиймати параболик концентратор қоплаш бурчагига жиддий боғлиқ. Ушбу концентратор учун оптимал қоплаш бурчаги ~70° га тенг бўлди.




Расм 9. Дамлаш эффективлигининг иккиламчи тўғри бурчакли концентраторнинг нисбий баландлигига боғлиқлиги.

9-расмда (иккинчи босқич) дамлаш эффективлигининг, иккиламчи концентратор баландлигининг фокус диаметрига нисбати сифатида аниқланадиган нисбий баландликка боғлиқлиги кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, дамлаш эффективлигининг минимал қиймати олдинги боғланишнинг максимал қийматига мос келади. Буни сонли экспериментнинг олдинги босқичи натижаси, яъни қоплаш бурчаги қиймати сифатида унинг оптимал қиймати 70° олинганлиги таъминлади.

Иккиламчи концентратор нисбий баландлигининг оптимал қиймати ~0.16 га тенг бўлди. Ушбу қуёш лазери системаси учун учинчи босқич натижаси 10 – расмда кўрсатилган. Бу ерда ҳам, дамлаш эффективлигининг минимал қиймати сонли тажрибанинг иккинчи босқичини бажаришда олинган дамлаш эффективлигининг максимал қийматига тенг бўлганлиги кўриниб турибди.

Ушбу босқични бажаришда ҳисоблашларда қоплаш бурчаги ва иккиламчи концентратор нисбий баландликлари учун сонли экспериментнинг олдинги босқичлари оптимал қийматларидан фойдаланилган.Кўриниб турибдики, актив элементнинг узунлиги 3-4см бўлганда дамлаш эффективлиги ўзининг энг катта қийматига эришади.



Расм 10. Дамлаш эффективлигининг актив элемент узунлигига боғлиқлиги.

Шу йўсинда, дамлаш эффективлигининг энг катта қийматига эришиш нуқтаи назаридан ушбу лазер системаси учун узеллар параметрлари орасидаги оптимал боғланишни аниқладик.

1-жадвалда радиуснинг ҳар хил қийматларида концентраторлар учун сонли тажрибалар натижалари келтирилган.


1-жадвал.

Параболик концентраторлардаги қуёш лазери оптимал параметрлари

Концентратор радиуси, см	Концентра-тор оптимал қоплаш бурчаги	Концентратор оптимал параметри p	Иккиламчи концентратор нисбий баландлиги оптимал қиймати	Актив муҳит оптимал узунлиги, см	Фокус диамет-ри,см	Дамлаш эффективл игининг максимал қиймати, %
25	32°	89.30	0.71	1.00	1.06	15.9
50	39.60°	138.90	0.39	1.30	1.90	14.6
75	48.80°	165.50	0.26	1.40	2.84	13.25
100	58.50°	178.60	0.25	1.90	4.24	12.3
125	67.20°	188.30	0.17	2.30	6.66	11.6
150	70.50°	212.30	0.16	3.50	9.10	10.9
175	75.30°	226.85	0.14	4.00	13.76	10.4
200	78.00°	253.00	0.11	5.00	19.60	9.6

Олинган натижалар дамлаш эффективлигининг лазер системаси ўлчам ва геометрик формасига боғлиқлигини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, концентраторларнинг радиуси ошиши билан дамлаш эффективлигининг максимал қиймати камайади. Бу фокус диаметри концентратор радиусига тўғри пропорционаллиги ва бунинг натижасида актив элемент томонидан концентрланган қуёш нурланишини қоплаш даражаси камайиши билан изоҳланиши мумкин.

4.4 параграф, суюқликли қуёш лазерларида GaAs кристалининг қўлланилиши бўйича сонли тажрибаларга бағишланган.



Расм 11. GaAs кристалида нуқсонлар концентрацияси $1.2 \cdot 10^{16}$ бўлган ҳолда чиқувчи нурланишнинг вақтга боғланиши. Дамлаш қуввати 2500 Вт.

Сонли тажрибалар натижалари қуёшда дамланадиган суюқликли лазерлар резонаторларида GaAs кристалининг тўйинувчи ютувчи сифатида қўлланилиши, эркин генерацияда олинадиган импульсларга нисбатан қисқарган импульслар олиш имкониятини беради (11-расм). Маълумки, GaAs кристалисиз резонаторларда импульс давомийлиги тобора ошади ва охир-оқибат генерациянинг узлуксиз режимига ўтади, GaAs кристалининг чиқувчи ойна сифатида қўлланилиши эса стабиль импульслар кетма-кетлигини олиш имкониятини беради.

ХУЛОСА

1. Кристалдаги нуқсонлар концентрациясининг лазер чиқувчи параметрларига таъсирига асосланган, лазер резонаторларида тўйинувчи ютувчи сифатида қўлланиладиган ярим ўтказгичли кристалларда нуқтавий нуқсонлар ҳосил бўлиши тадқиқ этишнинг янги методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу метод лазернинг ишлаш жараёнида нуқсонлар концентрацияси ўзгаришини кузатиш имкониятини беради.
2. Лазер резонаторларида чиқувчи ойна ва тўйинувчи ютувчи сифатида қўлланиладиган ярим ўтказгич GaAs кристалида нуқсонлар концентрацияси ўзгариши тадқиқ этилди.
3. $POCl_3$-$SnCl_4$-Nd^{3+} суюқ актив муҳит мисолида, қуёш дамлашли лазерларда актив муҳит сифатида суюқ люминесцент муҳитларнинг қўлланилиши имкониятлари тадқиқоти бўйича сонли тажрибалар ўтказиш учун компьютер модели яратилди.
4. Биринчи марта қуёш лазерлари дамлаш эффективлигини параболик концентратор қамраш бурчагига боғлиқлиги кўрсатилди.
5. Кичик параболик концентраторларда суюқ актив муҳитлар асосида лазер яратиш имконияти ўрганилди ва қуёш нурининг ташқи айлантиргичлари ишлатилганда айлантириш эффективлиги 10% га ошиши мумкинлиги кўрсатилди. GaAs кристалининг қуёшда дамланадиган лазерларда тўйинувчи ютувчи сифатида фойдаланиш, лазерни асллик модуляцияланган режимда ишлаш ва ҳар хил узунликдаги стабиль импульслар кетма-кетлигини нурлаш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЕ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТА ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ШАЙИМОВ ФАЙЗУЛЛО ФАТУЛЛАЕВИЧ

НЕЛИНЕЙНЫЕ СВОЙСТВА GaAs И ПРИМЕНЕНИЕ ЕГО В ТВЕРДОТЕЛЬНЫХ И ЖИДКОСТНЫХ ЛАЗЕРАХ

01.04.11 – Лазерная физика

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/FM89.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский,английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uzи Информационно-образовательном портале «Ziyonet» адресу www.ziyonet.uz.

Научныйруководитель:	**Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич** доктор физико-математических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	**Кадиров Мумин Кадирович** доктор физико-математических наук
	Сапаев Усмон Каландарович доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «___»_____2018 г.в_____часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологии по адресу: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел/Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за №_____), по адресу: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.:(+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «_____»_____2018 г.

(реестр протокол рассылки №___от «_____» _____2018 г.)

Х.Б. Ашуров
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.-н., старший научный сотрудник

Д.Т. Усманов
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Б.Е. Умирзаков
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире создание технологий и устройств, основанные на воздействии лазерного излучения, остаются одной из актуальных задач.Это, в свою очередь, устанавливает определенные требования к характеристикам лазерного излучения. Одной из перспективных направлением получения лазерного излучения с различными характеристиками является модуляция добротности резонаторов лазера. В частности, использование поглощающего полупроводникового кристалла GaAs в лазерных резонаторах не только решает вышеуказанные требования, но и упрощает проектирование этих устройств и снижает их стоимость. Поэтому изучение оптических свойств этих кристаллов и их влияние на процесс излучения лазерного устройства остаются одной из основных задач в области лазерной технологии.

В настоящее время в мире, известные исследовательские центры сосредоточены на применение насыщаюших поглотителов в резонаторах лазеров, осуществляюшие модуляцию добротности резонатора и режим генерации с синхронизацией мод, позволяющий значительно упростить конструкцию, способствовать улучшению эффективности, надежности, и уменьшающий стоимость лазерного источника по сравнению с активной модуляцией добротности. Это связано с тем, что лазерные системы, основанные на этих методах, используются в микроэлектронике, лазерной обработке материалов, для получения наноматериалов, микроструктурных исследованиях, химии, биологии, медицине и другие.

В Республике Узбекистан за последние годы проведена значительная работа, направленная на укрепление материально-технического потенциала и повышение эффективности научно-исследовательской деятельности. В Стратегии действии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на предстоящие годи в качестве важнейших направлений развития сферы образования и науки – стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности в высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах. Поэтому разработки, направленные на внедрение перспективных лазерных технологий в отрасли науки и техники, имеют важное значение для увеличение потенциала Республики в производстве экспорто-ориентированных продукции.

Данное диссертационное исследование в определённой степени соответствует задачам, предусмотренным в Указе Президента РУз № УП-4947 «О Стратегии действии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента РУз за № ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологии в производство» от15 июля 2008 года, за № ПП-1442 «О приоритетах развития промыщленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах» от 15 декабря 2010 года, за № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности»

от 17 февраля 2017 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследовательская работа выполнена в соответствие с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: ППИ-3 – «Энергетика, энерго-ресурсосбережение, транспорт, машино и приборостроение: развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения и мехатроники» и ППИ-4 «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологий, фотоники и других передовых технологий».

Степень изученности проблемы. Различными зарубежными исследовательскими центрами были проведены ряд научных исследований по использованию пассивных элементов в качестве элемента отрицательного обратной связи и как модулятор добротности резонатора. Анализ нелинейно оптических характеристик полупроводниковых поглотителей, в частности GaAs, показал, что использование таких кристаллов как элемент резонатора, имеет большие перспективы. Из зарубежных ученых Z.Zhang, Y.Wang, D.Shen, J. Gu проводили исследование в этом направлении. Были получены весомые научные результаты учеными наших стран С.А. Бахрамовым, Ш.Д. Пайзиевым и др.

В настоящее время экспериментальные и теоретические исследования показали наличие взаимосвязи между образовании дефектов в таких кристаллах и измениние их оптических свойств. Применение современных методов спектроскопии и физической электроники привело к созданию успешных физических механизмов по формированию индуцированных дефектов в зависимости от значения интенсивности лазерного излучения.

До начала наших исследований по использованию кристалла арсенида галлия в резонаторах лазеров, механизм формирования импульсов не было полностью изучено и не было данных об изменения оптических свойств кристалла под воздействием внутрирезонаторного излучения. Поэтому, изучение изменение оптических свойств полупроводниковых поглотителей и влияние его к характеристикам лазерного излучения в процессе работы лазера, является актуалным.

